

Қонун такомиллаштирилиши керак

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси
Отабек РАЗЗОҚОВ билан суҳбат



«Ishonch» gazetasi taхририятида Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимида олиб борилаётган ишлар ҳамда истиқболдаги вазифалар юзасидан **давра суҳбати** бўлиб ўтди.



Ҳўш, ринг қироли дейишга арзиғулик бу боксчимиз ҳозир нима иш билан банд? Унинг Пекинда ўтган ёзи Олимпия ўйинлари ҳақида фикрлари қандай? Узини профессионал рингда синаб кўриш нияти йўқми?

Insonga naf keltirish — oliy baxt

Ishonch

Нодавлат ва жамоат ташкилотларини ривожлантиришдан мақсад — жамият аъзоларининг манфаатлари мувозанатини таъминлаш ва ҳимоя қилиш.

Ислом КАРИМОВ

2008-йил
25-октябр, шанба
№131-132 (2545)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федератсияси газетаси

Gazeta 1991-йил 21-мартдан чиқа бoshлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ ЭКИНЛАРИ ЭКИЛАДИГАН МАЙДОНЛАРНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда такрорланаётган сув танқислиги, озиқ-овқат маҳсулотларига ҳаҳон бозоридан нарх-навонинг муттасил ошиб бораётгани муносабати билан, шунингдек, республикада озиқ-овқат экинлари маҳсулотларини етиштириш ҳажмларини янада ошириш ҳамда уларнинг турларини кўпайтириш ва шу асосда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини янада тўлиқроқ қондириш, пировард натижада қишлоқ аҳолиси даромадлари ва турмуш даражасини юксалтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2009 йил ҳосилидан бошлаб контрактация шартномалари бўйича пахта хомашўси етиштириш ҳажмлари ва тегишли равишда пахта экиладиган майдонларни 1-иловага мувофиқ камайитириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Пахта экиладиган майдонларни қисқартириш ҳисобига:
2009 йил ҳосили учун бошоқли дон экинлари экиладиган майдонлар 2-иловага мувофиқ кўпайтирилсин;
зағур шарт-шароитлар мавжуд бўлган туманлар ва ҳўжалиқларда сабзавот ҳамда бошқа озиқ-овқат экинлари экилиши таъминлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлик Кенгаши, вилоятлар ҳамда туманлар ҳокимликлари қишлоқ ҳўжалик экинларини жойлаштириш бўйича ишларни амалга оширишда:

муайян қишлоқ ҳўжалик экинларини экиш учун зарур шарт-шароитлар етарли эканлигига, фермер ҳўжалиқларида алоҳида экин турларига ишлов бериш бўйича кўнма ва тажриба мавжудлигига;

суғориш ва мелiorация тизимлари ҳолатига, худудларнинг сув билан таъминланиш даражасига;

ламли ерларда мойли, озукзабон ва полиз экинлари майдонларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, вилоятлар ҳокимликлари 2008 йилнинг октябр-ноябр ойларидан кўшимча кузги бошоқли дон экинлари эки-

лишини ташкил этиш бўйича 2-иловага мувофиқ комплекс чора-тадбирлар ўтказилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари зиммасига 2009 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинларини экиш ҳамда шудгорлаш ишлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

5. «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси: фермер ҳўжалиқларини жорий йилнинг октябр-ноябр ойларидан кўшимча кузги бошоқли дон экинлари экилишини ўз вақтида амалга ошириш учун зарур бўлган ҳажмларда ва муддатда юқори сифатли ишлов берилган ва до-риланган бугдой уруғлари билан белгиланган тартибда таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда 2009 йилда суғориладиган ерлар учун бошоқли дон экинларининг юқори сифатли уруғларини тайёрлаш ҳажмларини ошириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Давлат захиралари учун назарда тутилган ҳажмлардан ортиқча тайёрланган бошоқли дон экинларининг уруғларидан кўшимча экиш учун фойдаланишга руҳсат берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 4 сентябрда қабул қилинган «2009 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинларини экиш, навларни жойлаштириш ва харид қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-956-қарорига мазкур фармондан келиб чиққан ҳолда ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 20 октябр

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2008 ЙИЛ 20 ОКТЯБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ОЗИҚ-ОВҚАТ ЭКИНЛАРИ ЭКИЛАДИГАН МАЙДОНЛАРНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ПҚ-4041-ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ўзбекистонда қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг улкан ресурс ва экспорт базасига эга етакчи тармоғи бўлган, республикада қайта ишлаш саноати учун муҳим манба ҳисобланадиган пахтачиликни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришга доимий эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, сўнгги йилларда такрорланаётган сув та-

нқислиги пахта етиштириш учун гоят мураккаб муаммоларни юзага келтирмоқда ва унинг ҳосилдорлигига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Фермерларимиз кейинги икки йилда, айниқса, жорий йилда ушбу муаммонинг нечоғли ўткирлигини ўз фаолиятида кескин ҳис қилдилар. Бу йил суғориладиган ерларнинг сув билан ўртача таъ-

минланиш даражаси белгиланган норманинг атиги 75 фоизини ташкил этди. Таъкидлаш жоизки, сув танқислиги пахта етиштиришга салбий таъсир кўрсатди ва республиканинг деярли барча вилоят ва туманларида кўшимча қийинчиликларни келтириб чиқарди.

(Давоми 4-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ПИРИМКЎЛ ҚОДИРОВГА

Мухтарам Пиримқул Қодиروف!
Аваламбор, Сизни ҳаётингиздаги қутлуг сана — муборак 80 ёшингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман. Сизнинг бугунги таваллуд айёмингиз барча китобхонлар, бутун адабиёт аҳлининг катта байрамидир. Эл-юртимиз Сизни атоқли адиб, етук адабиётшунос олим ва таниқли жамоат арбоби сифатида яхши билади ва қадрлайди. Сизнинг қаламингизга мансуб бадиий баркамол ва чуқур ҳаётийлик руҳи билан суғорилган қатор қисса ва романлар халқимизнинг маънавий юксалишида муҳим ўрин тутиб, катта тарбиявий аҳамият касб этиб келмоқда. Юқсак инсоний фазилатларни тараннум этувчи бу асарлар ҳаҳоннинг кўплаб тил-

ларига таржима қилингани билан ҳам эътиборлидир. Айниқса, собиқ шўро мафқураси тазйиқлари ва қаршиликларига қарамай, Сиз халқимиз тарихининг ёрқин саҳифаларидан бўлиш буюк теурирлар даврини, дилбар шоир ва давлат арбоби Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодларининг мураккаб, машаққатли ҳаёт йўлини ҳаққоний акс эттирган «Юдузли тунлар», «Авлодлар довоми» сингари гўзал асарлар яратдингиз ва улар адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин олиб, халқимизнинг маънавий мулкига айланди. Истиқлол руҳи Сизнинг ижодингизга янги куч-қувват ва илҳом бергани сўнгги йилларда ёзилган асарларингизда яққол

намоён бўлиб турибди. Хусусан, шу улуг ва табарруқ ёшда ҳам ҳормай-толмай ижод қилиб, «Тил ва эл», «Амир Темур сиймоси» сингари пухта изланиш ва тадқиқотларга бой китоблар яратганингиз ёш адиблар учун ибрат намунаси бўлиб хизмат қилади. Таваллуд кунингиз муносабати билан яна бир бор муборакбод этар эканман, Сизга мустаҳкам соғлиқ, ижод ва илҳом завқи, хонадонингизга файзу барака доимо ёр бўлишини тилайман. Эҳтиром билан

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2008 йилнинг 16 ноябрдан бошлаб бюджет муассасалари билан биргаликда бошқарув иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 33 645 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва кўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2008 йилнинг 16 ноябрдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда

муассасалар билан биргаликда бошқарув иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 33 645 сўм миқдоридан белгилансин.

2. 2008 йилнинг 16 ноябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудинда энг кам: иш ҳақи — ойига 28 040 сўм; ёшга доир пенсиялар — ойига 55 550 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 28 040 сўм; болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 55 550 сўм;

3. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат Бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жағфармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Ҳўжалик ҳисобидидаги қорхона ва ташкилотлар 2008 йилнинг 16 ноябрдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайитириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 июлдаги ПҚ-4014-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2008 йилнинг 16 ноябрдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳўжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва кўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 22 октябр

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, ёшларни миллий гоё ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Самандаров Исматилло Ибодиллоевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси сержантлар тарқибини тайёрлаш олий курсининг цикл бошлиғи

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН СПОРТЧИ»

Тулупова Елена Петровна — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги спорт-соғломлаштириш комплекси бўлим бошлиғининг ўринбосари

Кўп йиллик фидокорона меҳнатлари билан халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатгани,

миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, юртимизда тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕХНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Мирфайзиев Миркомил Миршоминович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Султонова Жамила Раҳматовна — Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани ички ишлар бўлими катта терговчиси

Турсунов Шавкат Бурҳонovich — Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси экспертиза ва криминалистика бўлими бошлиғи

(Давоми 4-бетда)



Ички ишлар вазирлигида 25 октябр — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари кунини муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар. Абдувоҳид Тўраев (ЎЗА) олган суратлар

Экспорт Хариддорлар маҳсулотлар

Республикамиз фермер ҳўжалиқлари йилдан йилга юксалиб, улкан муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Улар етиштириб келган маҳсулотлар ҳоҳликларининг ҳам эътиборини тортаётти. Жумладан, ўтган йилнинг ўзидан 1732,7 тонна помидор пастаси, 445,4 тонна либ, 653,8 тонна қарам, 61,8 тонна қуритилган сабзавотлар, 25,5 тонна ёнғоқ, 1330,2 тонна узум, майиз, 195 тонна қовун-тарвуз, 34,8 тонна олма, нок, беҳи, 805,5 тонна олхўри, олча, шафтоли ва яна 595,2 тонна шунга ўшаш маҳсулотлар экспорт қилинди.

Жорий йил ҳам бу савий-ҳаракат давом этмоқда. Бир сўз билан айтганда, чет давлатларда Ўзбекистон ноз-неъматларига бўлган қизиқув кўн сайини ошиб бораётти.

Республика Давлат Статистика қўмитаси маълумоти



Касаба уюшмалари:

Бугун жамиятимиз олдида турган долзарб масала — сийсий-ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш вазифаси, бошқа нодавлат ва жамоат тузилмалари қаторида, касаба уюшмаларига ҳам улкан масъулият юклайди.

Ислом КАРИМОВ



Қонунчилик қўрағонининг қандай баҳолайсиз?

Суҳбатдошимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Отабек РАЗЗОҚОВ

— Мамлакатимизнинг сийсий ва иқтисодий, ижтимоий ҳаётида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Ҳозирги босқичда жамоат бирлашмалари, айниқса, энг оммавий ташкилот ҳисобланмиш касаба уюшмаларининг ходимларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқлари, фуқаровий эркинликларини ҳимоя қилишдаги ўрни юқоридир. Бу борадаги қонунлар бажарилишини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Миллий қонунчилигимизга кўра Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати қонунлар ижросини текшириш ваколатига эга. Бу бизнинг олий давлат вакиллик органининг ўзига хос хусусияти десак ҳам бўлади.

Ҳабаримиз бор, яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ишчи гуруҳи томонидан «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун ва шунга дахилдор қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ўрганиб чиқилди. Ҳуш, нималар намойён бўлди?

— Мамлакатимизда фуқаролик жамияти, кучли ижтимоий вазибалари ўзидан ифода этган ҳуқуқий давлат асосларини қуриш бўлган улкан ишлар қилинди. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган мамлакатни тубдан ўзгартариш концепцияси, жамиятнинг ислоҳ қилишини устувор стратегия йўналишларининг белгилаштириш Ўзбекистоннинг бундан бўёнги тараққиётида қўдратли туртки бўлди. Уларни амалга оширишда аҳолининг турли қатламларининг манфаатларини ўзидан ифода этадиган ҳамда мамлакатда фуқаролик жамияти шаклланишининг асосий институти ҳисобланган нодавлат ва жамоат ташкилотлари обрў-этибори ва таъсир кучини орттиришга катта аҳамият берилмапти. Жумладан, сафларида миллионлаб кишиларни бирлаштирган Ўзбекистон касаба уюшмалари ўз аъзоларининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-интеллектуал ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, жамиятда манфаатлар уйғунлигини таъминлаш борасида катта ишларни амалга оширмоқда.

Касаба уюшмаларининг ўз фаолиятини янгилаётган иқтисодий талабларига мувофиқ йўсинда ташкил қилиш, меҳнаткашлар кенг ижтимоий қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш сифатида ўзининг ҳаракат дастурини изчиллик билан ҳаётга жорий этишга интилаётган эътиборга сазовордир.

Аммо «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилингани анча йиллар бўлди. Жамиятдаги муносабатлар тубдан ўзгаришга Шунинг учун 2001 йил 7 декабрда бу ҳужжатга ўзгариш киритилди. Барибир, қонуннинг амалдаги ижроси таълими шунинг кўрсатиши, касаба уюшмалари Ўзбекистон Конституциясининг 59-моддасида мустақамланган асосий қоидага, юқорида қайд этилган ва бошқа қонунларга таянган ҳолда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий юксалишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Жумладан, қонуннинг 8-моддасига биноан ходимларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя этиш соҳасида 2007 йили касаба уюшмалари томонидан қатор чоралар қўрилган. Хусусан, жамоа келишувлари ва шартномалари орқали 85635 нафар ходим иш берувчилар ҳисобидан ўқитилган, қайта ўқитилган ва малакасини оширган; ходимлар сонини қисқартирилганда уларга Меҳнат кодексининг 67-моддасида кўзда тутилган моддий мадад берилмиш, 343 та тугатилаётган корхонадан бўшатилган ходимлар фойдасига иш ҳақи ва нафақалар тўлиғини назоратга олинган.

Тугатилаётган корхоналарда ишлаб чиқаришда ҳаётда қолган, касб кассалигига эришган, ишлаб чиқаришдаги бахтеъиз ҳодиса натижасида бокучисини йўқотганларга этказилган зарарини тўлаш учун белгиланган маблағларнинг Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жағ-армасига ўтказиб берилиши ҳам назоратдан четда қолмаган.

Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 2006 — 2010-йиллар учун қўша тadbирлар режаси қабул қилиниб, унда меҳнатни муҳофаза қилиш, янги иш ўринларини барпо этиш, халқро меҳнат нормаларига қўшилиш каби масалалар акс этган.

— Қонуннинг 9-моддасида касаба уюшмаларининг маъмурият, мулкдор билан музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномалари, битимлари тузиш ҳуқуқлари мустақамлан-

ган. Сизнингча, мазкур ҳуқуқлардан фойдаланиш борасида қандай ишлар амалга оширилган? Бу борадаги устувор вазибалар нималардан иборат?

— Урганиш шунинг кўрсатиши, касаба уюшмалари юртимизда ижтимоий барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш, жамият ва давлат манфаатларини уйғунлаштиришга улкан улуш қўшмоқда. Бунинг учун сиз тилга олган ҳуқуқлардан самарали фойдаланилмоқда.

Қонун ҳужжатлари нормаларига риоя қилиш ҳам жамоа шартномалари ва келишувлари тузишнинг асосий принципларидан бири ҳисобланади.

Келишувлар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг жойлардаги органларида билдириш рўйхатидан ўтказилган.

Тегишли касаба уюшмалари, иш берувчилар ҳамда жойлардаги ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасидаги ҳудудий (минтақавий) келишувлар аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, меҳнат бозорини тартибга солиш, янги иш ўринларини барпо этиш каби масалаларни ўз ичига олган.

Жамоа шартномаларининг иш берувчи ташаббусига кўра, ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин касаба уюшмаси қўмитаси розилигини олиш лозимлиги тўғрисидаги банди касаба уюшмаси аъзоларининг деярли 90 фоизига нисбатан татбиқ этилган.

Жамоа шартномаларига биноан ҳар йили асосий ўзайтирилган таътилдан 2,7 млн. қўшимча таътилдан деярли 1,7 млн. ходим фойдаланади. Корхоналар ҳисобидан 190 мингдан кўп ходим соғломлаштирилади, 100 мингдан орტიқ иш ўрни зарари омиларни аниқлаш мақсадига аттестация қилинади.

Аммо иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик масалалари тўлиқ ҳал қилинган деб бўлмайди. Музокара ўтказиш ва жамоа шартномаларини тузиш, айниқса, савдо, маданият, автотранспорт ташкилотларида уларнинг умумий сонига нисбатан 80 фоизга етмайди. Айрим ҳусусий ва чет эл инвесторлари маблағи ҳисобига ташкил қилинган корхоналарда касаба уюшмалари билан меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ҳамкорлик масаласи тўлиқ ҳал қилинмаган.

Меҳнат кодексининг 26-моддасида ходимлар вакиллик органларининг қонуний фаолиятига ҳар қандай тарзда тўсиқлик қилиш тақиқланмиш ҳамда ходимлар вакиллик органларининг фаолиятини иш берувчи ёки у вакил қилган шахслар ташаббуси билан тугатишга йўл қўйилмаслиги қатъий белгиланганга қарамай, баъзи корхона ва ташкилотларда ҳамон касаба уюшмаси тузишга иш берувчилар томонидан тўсиқлик қилинмоқда.

Бугунги кунда қонун моддаларининг айрим нормалари кейинги қонунлар билан бошқа органлар ваколатига ўтказилган. Шу сабабли Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши иш берувчилар, ижро этувчи ҳуқуқат органларининг меҳнаткашларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш тadbирларини ишлаб чиқиш, аҳоли турмуш даражасининг асосий меъзоларини белгилашда уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини аниқ кўрсатиши лозим. Бу эса «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунни янги тахрирда қабул қилишни ва «Меҳнат соҳасида ижтимоий шерикчилик тўғрисида»ги қонунни қабул қилишни тасоқо этади.

Қонуннинг 10-моддасига биноан касаба уюшмалари ваколатлари доирасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. «Ешлар йили» давлат дастурига асосан ёшлар ва болаларни ҳимоянинг ва маънан камол топтириш тadbирлари учун касаба уюшмалари маблағидан 9,3 млрд. сўм сарфланмиш кўзда тутилган.

2006 — 2007-йилларда ва 2008 йилнинг биринчи ярмида соғломлаштиришнинг барча турлари билан 209 минг нафар ходим ва уларнинг oilаси қамраб олинган, бунинг учун 16 млрд. сўм йўналтирилган.

Бунга қўшимча тарзда шу даврнинг ўзида жамоа шартномалари орқали ходимлар ва уларнинг oilа аъзоларини дам олдириш ва соғломлаштиришга 50 млрд. сўм сарфланган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ёшларимизни баркамол инсон қилиб тарбиялаш, улар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича катта ташкилий

ва молиявий тadbирлар амалга оширилган.

— **Хат ортида инсон тақдирининг дейдилар. Касаба уюшмаларининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш соҳасидаги фаолиятини қандай баҳолайсиз?**

— Тўғри таъкидладингиз. Қарерда адолат принципи бузилса, ўша ерда жамият, қолаверса, давлат манфаатларига зиён етади. Демак, жойлардаги иш берувчилар, бошқа бошқарув идоралари инсонлар тақдирига бефарқ бўлмадиларини лозим. Ҳамма илпатлар сизу бизнинг бефарқлигимиз, локайдлигимиз оқибатида юзга келади. Одамлар адолат излаб тегишли идораларга мурожаат қилишади. Бу эса оддий кишиларнинг вақти, маблағи беркорга сарф бўлишига олиб келади. Биз эътиборимизни аввало ана шу иллатларга қарши курашишга қаратишимиз керак. Негаки, гоҳида шундай хоплатларнинг гувоҳи бўламизки, жойларнинг ўзида, корхона, туман миқёсида ҳал бўладиган масалаларни, мутасаддиларнинг локайдлиги боис вилоят, республика миқёсида кўриб чиқиб ҳал қилишга тўғри келади.

Очигини айтиш лозим, ўрганиш жараёнида шу нарсасга амин бўлдики, касаба уюшмалари меҳнаткашлар манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячиси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Унда меҳнаткашларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг самарали тизими шаклланди. Буни фуқароларнинг ушбу ташкилотга бўлган ишонидан ҳам бишлиш мумкин. Жумладан, 2007 йилда касаба уюшмалари органларига 21 мингга яқин киши мурожаат этган бўлиб, деярли барчаси ихобий ҳал қилинган. Шунинг учун бўлса керак, бу даргоҳга наҳот излаб келувчилар сонини камайтаётми.

Аризаларнинг аксарияти Тошкент шаҳри ва вилояти, Қашқадарь, Самарқанд, Сурхондарь, Фарғона, Жиззах, Андижон, Наманган, Навоий ва Бухоро вилоятларидан келган. Улар ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтеъиз ҳодисалар билан боғлиқ зарарини қоплаш, ишдан бўшаш ёки бошқа ишга ўтказиш, иш ҳақи ва меҳнатни меъёрлаш, меҳнат муҳофазаси, санаторийларга йўлланма ажратиш ва бошқа масалалар ҳақида.

— **Қонунларда касаба уюшмалари зиммасига жойларда иш берувчилар томонидан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текшириш ва назорат қилиш вазифаси юклатилган...**

— Бу юқоридagi саволингизга бевосита боғлиқ. Касаба уюшмалари томонидан 40 мингга яқин қонунбузилишлар аниқланди, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли идораларга тақлифлар берилган ва бундай нуқсонларни бартараф этиш ва олдин олиш чоралари қўрилган.

— **Бугунги кунда жаҳон касаба уюшмалари, шунингдек, Халқро меҳнат ташкилоти фаолиятида ижтимоий шерикчилик масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлат, касаба уюшмалари сиймосида ходимлар ва иш берувчилар муносабатлари бизнинг қонунчилигимизда қандай тартибга солинган ва у ҳаётга қандай татбиқ этилапти?**

— Дарҳақиқат, бу масала миллий қонунчилигимизда эътибордан четда қолмаган. Меҳнат кодексининг 47-моддасида жамоа келишувлари тузишда учинчи томон ҳам иштирок этиши мумкинлиги белгиланган. Шу сабабли Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги учинчи томон бўлиб тармоқ келишувларини тузишда иштирок этиши ва унда социал-меҳнат муносабатларини тартибга солишда давлат манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилиши зарур.

Меҳнат кодексининг 48-моддасига биноан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши иш берувчиларнинг республика миқёсидаги бирлашмалари, тарафларнинг тақлифига кўра эса Ўзбекистон ҳуқуқати билан ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳусусида келишиб сийсат олиб бориш мақсадига Бош келишув тузиши белгиланган. Қайд этиш керакки, 2008 йилда Бош келишув тайёрланиб ҳуқуқатга берилган.

— **Меҳнат муҳофазаси борасидаги ишларнинг аҳоли қандай?**

— Бозор иқтисодиёти шароитида ҳужалик юритувчи ҳар қандай субъект биринчи навбатда нима қилиб бўлса ҳам фойда ортидан қувади. Бунинг оқибатида аксарият давлатларда меҳнаткашларнинг манфаатлари иқинчи ўринга тушиб қолади. Бизда эса ундай эмас. Мустақиликнинг илк кунларидан бошлаб давлатимиз кучли ижтимоий сийсат юритиш тасийолига амал қилиб келмоқда. Шу боис ҳам корхона ва

муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасига асосан вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар касаба уюшмалари Марказий кенгашлари билан келишиб, ўзлари тасдиқлайдиган низома мувофиқ меҳнат муҳофазаси бизнинг мувофиқлаштириб бориши назарда тутилган бўлишига қарамай, мулкчилик шаклининг ўзгариши муносабати билан Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Ўзурилишматериаллари» акциядорлик компанияси, Фермер ҳўжаликлари уюшмаси ва бошқа бошқарув идораларида меҳнат муҳофазаси хизматлари қисқартириб юборилганининг гувоҳи бўлдик.

Меҳнат кодексининг 117-моддасида нуқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг қисқартирилган муддати ва 137-моддасида меҳнат шароити нуқулай ва ўзига хос бўлган ишлар учун йиллик қўшимча таътил иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича шаходатлаш натижасига кўра берилиши назарда тутилган.

Айрим корхоналарда иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича шаходатдан ўтказиш масалалари ҳал этилмапти. Натижада баъзи ходимларнинг имтиёзли пенсияга чиқиш, қўшимча таътил олиш ва қисқартирилган иш кунига бўлган ҳуқуқлари амалга ошмай қоляпти.

Шу билан бирга «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг бир қатор моддаларида белгиланган ҳуқуқ ва ваколатлар кейинроқ қабул қилинган бошқа қонун ҳужжатларига биноан ёки бекор қилинган. Жумладан, 8-моддадаги касаба уюшмаларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя этиш соҳасидаги ҳуқуқлари «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддаси ҳамда Меҳнат кодексининг 101- ва 102-моддалари билан чеклаб қўйилган; 12-моддадаги меҳнат низоларини кўриб чиқишда касаба уюшмаларининг ҳуқуқлари Меҳнат кодексининг 260-моддасига биноан меҳнат низолари комиссияси ёки судга юклатилган; 16-моддадаги касаба уюшмаларининг давлатлараро битимлар тузилиши ва давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви идоралари шакллантирилишида иштироки бекор қилинган.

— **Демак, қонунларни бир-бирига мувофиқлаштириш, касаба уюшмалари, умуман, ижтимоий соҳага тааллуқли ҳужжатларга анчагина қўшимча ва ўзгартаришлар киритиш керакми дейман?**

— Тўғри, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш, жумладан, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг янги тахрирда қабул қилинишини жадаллаштириш зарур. Бундан ташқари, бошқа қонунлардаги нуомовфиқликларнинг ҳам кўриб чиқиш лозимга ўхшайди. Масалан, Солиқ кодексининг 147-моддаси 11-бандига асосан ходимларнинг даволаниши ва дам олиш учун йўлланмаларни сотиб олишга қилган ҳаражатлари юридик шаклларнинг фойдасидан тўланадиган даромад солигининг чегирилмайдиган ҳаражатларига қилинган, бундан ташқари, 177-моддасининг 1-бандига асосан санаторий-курортларга даволаниш йўлланмалари жисмоний шахсларнинг даромадига қилинган. Бунда жисмоний шахсга юридик шахс орқали олинган тўлтилоқда.

Шунинг учун республикадаги ташкилотлар ва корхоналарнинг ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш мақсадига уларга корхона томонидан сотиб олинган йўлланмалар учун солиқ ундирилмаслиги мақсадга мувофиқдир.

— **Мана, ушбу масала қўмита мажлисида муҳокама қилиниб, тегишли қарор ҳам қабул қилинди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддасига асосан палата қўмитасининг қарори тегишли давлат идораси томонидан белгиланган муддатда кўриб чиқилиши шарт. Демак, умид қиламизки, фуқаролик жамиятининг шаклланиб бориш жараёнида касаба уюшмаларининг меҳнат аҳли ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги мавқеи юксалади.**

— Дарҳақиқат, шундай. Касаба уюшмалари билан қонунчилик соҳасидаги ҳамкорлик бундан кейин ҳам давом этирилади. Шунинг учун биз ўз қароримиз билан мутасадди идораларга аниқ тасвийлар киритдик.

Суҳбатдош: Довуд МАДИБ



Ҳамкорлик


Охириги йилларда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши билан ҳамкорлиги сезиларли даражада мустаҳкамланди. Жумладан, вазирлик ва кенгашнинг 2006 — 2010-йиллар учун қўша тadbирлар режаси тасдиқланиб, унда меҳнатни муҳофаза қилиш, янги иш ўринларини барпо этиш, халқро меҳнат меъёрларига қўшилиш каби масалаларни ҳал этиш белгиланди. Мазкур режага биноан, жойларда касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари ўртасида тегишли қўша тadbирлар ишлаб чиқилди. Уларга асосан «Ишлаб чиқаришдаги бахтеъиз ҳодисалар ва касб ба-

салликларидан мажбурий давлат ижтимоий сугуртаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича тақлифлар киритилди.

Жорий йилда касаба уюшмалари билан биргаликда бандлик муаммоларига оид бир қатор масалалар ўрганилди. Қашқадарь вилояти меҳнат бозорига тенг шароитларда рақобат қилишга қодир бўлмаган шахслар учун корхоналарда квотали иш ўринлари белгилашни ва уларга фуқароларнинг қабул қилинишида касаба уюшмалари иштироки, Андижон, Фарғона, Наманган, Хоразм, Тошкент вилоятларида ёшларни иш билан таъминлаш аҳоли шулар жумласидандир.

Федерация кенгаши билан ҳамкорликда 2007 йилнинг 24 майида МДХ давлатларидан ташриф буюрган меҳнатни муҳофаза

Бугунги кунда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси 15 та тармоқ касаба уюшмаларини, 14 та (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар) ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаларини, 883 та вилоят, туман, шаҳар кенгашлари ва вакилликлари, 25700 та бошланғич касаба уюшма ташкилотини бирлаштиради, уларда 6 млн. 300 минг нафар аъзо ҳисобда туради.



Вали КОЧКАРОВ, ташкилий ишлар бўлими бошлиғи

Мақсадимиз — ёрдам бериш...

Касаба уюшмалари фаолияти ҳамда тузилмасини тақомиллаштириш Федерация кенгашининг доимий эътиборида. Касаба уюшмалари органларини иҳчам ва ишчан хоплатга келтириш, бир-бирини тақоррлайдиган бўғинлар фаолиятини тугатиш мақсадига тармоқ касаба уюшмаларининг вилоят, туман бўйича 235 та вакиллик жорий этилди. Бу касаба уюшма органларини ортиқча қозғобозликдан озод этиб, бевосита бошланғич ташкилотларнинг фаолиятига ёрдамлашиш, юқори органларнинг қарорларини бошланғич ташкилотларга етказиш, уларнинг бажарилиши устидан назорат олиб бориш, жойлардаги тажрибаларни ўрганиш ва кенг тартибда этиш, касаба уюшмаси фаоллари ўқувини ташкил қилишга имкон яратди.

Сўнгги йилларда фуқароларнинг касаба уюшмаларига ишончи ортиб бормоқда. Касаба уюшмалари ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга зарур ҳолларда ушбу масалалар юзасидан судларга мурожаат этиб, ишларни кўриш жараёнида бевосита иштирок этмоқда. Ҳар йили касаба уюшмаларига 20 мингдан ортиқ ариза ва шикоят келиб тушади, уларнинг асосий қисми меҳнат муносабатларига тааллуқлидир. Ушбу мурожаатларнинг 80 га яқини ҳар йили судларда кўриб чиқилади ва аксарияти аризачилар фойдасига ҳал этилади.

Дунё миқёсида иқтисодиётнинг глобаллашуви, трансмилий компаниялар, чет эл инвестицияларининг кириб келиши, ҳусусий мулкчиликнинг ривожланиши касаба уюшмасига аъзолик масалаларида бирмунча муаммоларни келтириб чиқараяпти ва бу жараён касаба уюшмаларини ташвишга солмоқда.

Федерация кенгаши мазкур масала юзасидан амалга оширган чора-тadbирлар натижасида, 2007 йилдан ҳозиргача 4497 та янги касаба уюшма ташкилоти тузилишига эришилди ва 199984 киши аъзоликка жалб этилди. Шунга қарамадан, бизда ҳам касаба уюшмаси тузилишига тўсиқлик қилаётган корхона ва ташкилотлар йўқ эмас. Бугунги кунда республикамизда 133 та ана шундай қўша ва ҳусусий корхона мавजूд. Буларга «Спантекс Тошкент Тўйтепа» чет эл корхонаси, Навоий вилоятидаги «Навой Силк» Ўзбекистон-Ҳиндистон қўша корхонаси, «Байтекс Текстиль» чет эл корхонаси, «Бектемир темир-бетон маҳсулотлари» қўша корхонаси, «Пахта Лизинг» ёпик акциядорлик жамияти, «ЎЗБАТ» акционерлик жамияти каби бир қатор корхоналарни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бизнинг мақсадимиз корхона ва ташкилот фаолиятига аралашиб, равнаққа тўсиқлик қилиш эмас, балки улардаги оддий ишчидан тортиб, корхона раҳбарининг ҳам ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ходимларга ҳавфсиз меҳнат шароитлари яратилишини таъминлаш, қолаверса, корхона ва ташкилотларнинг ривожланишига ҳисса қўшиб, бу борада иш берувчи билан ижтимоий шерик сифатида иш олиб бориш ҳопос.

Ҳозирги кунда «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган янги тахрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилиб, қонунчилик органларига тақдим этилган. Биз Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси мазкур қонун лойиҳасини кўриб чиқаётганда юқорида кўтарилган муаммолар ҳал этилади деб умид қиламиз.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
2008 ЙИЛ 20 ОКТЯБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН
«ОЗИҚ-ОВҚАТ ЭКИНЛАРИ ЭКИЛАДИГАН МАЙДОНЛАРНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИ ЕТИШТИРИШНИ
КЎПАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ
ПФ-4041-ФАРМОНИГА
ШАРХ**

(Боши 1-бетда)

Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида сўғориш ишларида сувдан оқилона ва тежамдорлик билан фойдаланиш, жумладан, сувдан қайта фойдаланишни, уни тежашнинг замонавий агротехник усулларини татбиқ этиш, шунингдек, сувдан фойдаланишни назорат қилиш тизимига нисбатан талабни кучайтиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Юзага келган вазиятда экин майдонларидан фойдаланишни янада оптималлаштириш долзарб аҳамият касб этади. Бу борада, биринчи навбатда, нафақат сув ресурсларининг тақчиллиги ортиб бораётгани, аяни вақтда қишлоқ ҳўжалиги олдида турган озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва республика аҳолисини ушбу маҳсулотлар билан ишончли таъминлаш каби муҳим вазифаларни ҳал этиш назарда тутилмоқда. Бугунги кунда бутун дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси алоҳида муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Дунё мўқдасида доннинг нархи 2006 йилдаги нисбатан ўртача икки баравар, сабзавот маҳсулотлари нархи эса икки баравардан кўпроқ ошгани бунинг яққол исботидир.

Бундай шароитда ички истеъмол бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат товарлари билан барқарор ва ишончли тарзда тўлдирини, уларни ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, турини кенгайтириш ва сифатини ошириш янада долзарб аҳамият касб этади.

Юзага келган вазият ҳисобга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 октябрда қабул қилинган «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида пахта экиладиган далаларни камайитириш ҳисобидан бошқили дон экинлари учун мўлжалланган майдонларни қарийб 50 минг гектарга кўпайтириш, шунингдек, сабзавот, мойли ўсимликлар ва бошқа озиқ-овқат экинлари экиладиган ерларни янада кенгайтириш кўзда тутилган.

Республикамиз сабзавот, узум ва қовуннинг юқори сифати, таъми билан ажралиб турадиган

навларини етиштириш бўйича ноёб имкониятларга эга эканлигини эътиборга олган ҳолда, ушбу экинларни етиштириш ва уларни қайта ишлаш орқали олинладиган маҳсулотлар экспортини сезиларли даражада кўпайтиришни таъминлаш учун бугун барча асосларимиз бор. Бунинг учун мамлакатимизда барча зарур шароит ва имкониятлар мавжуд.

Аяни вақтда пахта экиладиган майдонларни оптималлаштириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмаслиги лозимлигини аниқ-равшан англаб олиш зарур. Жаҳон бозорига пахтага, авваламбор, турли тўқимачилик, ип-газлама маҳсулотлари, кийим-кечак ва бошқа тикувчилик буюмларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган пахта хомашёсига талаб доим юқори бўлиб келган ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолишини назарда тутиш даркор.

Пахта ўсимлик мойи, чорвачилик учун озук ва бошқа қўллаб маҳсулотлар олишининг муҳим манбаи эканини унутмаслик керак. Шундан келиб чиққан ҳолда ва минтақамизга хос бўлган табиий-иклим шароитининг хусусиятларини, фермерларимизнинг пахта етиштириш борасидаги катта тажрибасини эътиборга олиб, ушбу соҳа бундан бун ҳам Ўзбекистон агросаноат мажмуини ривожлантиришининг муҳим йўналиши бўлиб қолиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида жорий йил октябр ва ноябр ойининг биринчи ярмида дон ва бошқа озиқ-овқат экинлари учун мўлжалланган майдонлар кенгайтириладиганини ҳисобга олиб, кузги экинларни ўз вақтида ва сифатли экиш ниятда муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида кайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу фармонини амалга ошириш республикамиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтижини янада тўлароқ қондириш, экспорт қилинадиган маҳсулот турларини кенгайтириш, қишлоқ аҳолисининг даромади ва фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ
ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ
ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

(Боши 1-бетда)

«ДЎСТИК»

ОРДЕНИ БИЛАН

Бердиев Куралбай Мирза-нович — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш колонияси бошлиғи

Жўраев Раҳматжон Эргашевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов бош бошқармаси терговчиси

Карабаев Ойбек Раваҳнович — Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ички ишлар бошқармаси бўлима бошлиғи

Осипова Светлана Михайловна — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси экспертиза ва криминалистика бўлимининг бўлима бошлиғи

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуллабеков Жасурбек Улугбекович — Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими тазкор вакили

Давлатов Шукрулло Одинабоқиевич — Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Мамаражабов Абдинаби Раббимович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги портловчи моддалар ва портлатиш ускуналарини аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш бўйича гуруҳининг бош мутахассиси

Ражабов Абдукарим Абдувалиевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги портловчи моддалар ва портлатиш ускуналарини аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш бўйича гуруҳининг бош мутахассиси

рарсизлантириш ва йўқ қилиш бўйича гуруҳининг бош мутахассиси

Темуров Шухрат Шукурсалимович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси катта тазкор вакили

Тошпўлатов Нурбек Бекмуродович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармасининг ҳарбий қисм катта мутахассиси

Тургунов Эркин Тулқунович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги экспертиза марказининг катта эксперти

Турдиев Пўлат Анварович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги портловчи моддалар ва портлатиш ускуналарини аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш бўйича гуруҳининг бош мутахассиси

Эргашев Асрор Акрамович — Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси катта инспектори

Эргашев Жапонбек Фуломович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги портловчи моддалар ва портлатиш ускуналарини аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш бўйича гуруҳининг бош мутахассиси

«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдикаримов Муратбай Утегенович — Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани ички ишлар бўлими хузуридаги қўриқлаш бўлими

масининг бошлиғи
Абдуразақов Баходир Жуманович — Андижон темир йўл бекетидаги тармоқ ички ишлар бўлими милиционер

Жўраев Жапон Қаршибоевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси кинология маркази бошлигининг биринчи ўринбосари

Қурбанов Уктам Ражабович — Самарқанд вилояти Самарқанд тумани ички ишлар бўлими тергов бўлими бошлигининг ўринбосари

Мажитов Тўлаш Абдуллаевич — Бухоро темир йўл бекетидаги тармоқ ички ишлар бўлими бўлима бошлиғи

Муртозаев Шахриддин Темирович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги портловчи моддалар ва портлатиш ускуналарини аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш бўйича гуруҳининг бош мутахассиси

Отаев Саид Музафарович — Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тазкор вакили

Саитбаев Тимур Ренатович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси бошлигининг ўринбосари

Хазбулатова Алсу Фазиёвич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ахборот марказининг бўлим бошлиғи

Хамдамов Юнусхон Буваҳўжа

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2008 йил 23 октябр

евич — Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси махсус отрядининг командири

Шатириков Шамсиддин Муҳаммадиевич — Тошкент темир йўл бекети тармоқ ички ишлар бошқармасининг милиционер

Янгибоев Акбар Талибович — Самарқанд вилояти Иштихон тумани ички ишлар бўлими хузуридаги қўриқлаш бўлимининг бўлима бошлиғи

«ШУХРАТ»

МЕДАЛИ БИЛАН

Жўраев Фуркат Аъзамович — Навоий вилояти Навоий шаҳар ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Иноятов Ихтиёржон Бафоевич — Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси шахсий тарқиб бўйича махсус инспекцияси катта тазкор вакили

Мустафозулов Сафар Эшболтаевич — Сурхондарё вилояти Шеробод тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Полохин Игорь Александрович — Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси 2-махсус гуруҳи катта ходими

Хамидуллин Ильмир Гиндулович — Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси ташкилий-инспекторлик бўлими бошлиғи

И.КАРИМОВ

Қарийб чорак асрдан бун Бўстон шаҳрида истиқомат қилган. Шаҳримиз, умуман Эллиққалъа одамлари ўзига. Бунёдкорлик, яратувчанликка иштиёқи кучли. Шу боис ҳам туманда бунёдкорлик узлуксиз давом этади.

Гулдурсунлик тадбиркор

Ўзбекистон кўчасидаги мактаб рўпарасида «Гулдурсунлик» масъулияти қарланган жамияти биноси қад кўтарган бўлиб, у шаҳар жамолига ярашиб турибди. Идора олдидида гулзор қалбага хушнудлик бахш этади, чарқоқни арилади. Бу ерда болаларларнинг гулларга қўниб, нектар ташиётганини кўриб, Абдулла Ориповнинг қўйидаги сатрлари ёдга тушади

Гулдан гулга қўниб сахар палладан, болалар бол йиғар юрдан, даладан. Шоир ҳам болалар бўлсайди агар, ишини бошлар эди Эллиққалъадан.

Балки шоир ушбу гулзорга қараб битгандир бу сатрларини деган фикр кечадди ҳаёлдан. Ушбу чаманзор бунёд этилишида раҳматли Озод Шомуродовнинг муносиб улushi бор.

Эллиққалъалиқлар бу инсонни яхши эслаганида. Узоқ йиллар аҳолига савдо хизмати кўрсатиш билан шуғулланган Озод ака ўз касбининг устаси, фидойиси эди. Шу билан бирга фарзандларини муносиб инсонлар қилиб тарбиялашга ҳам катта эътибор қаратди.

У мустақиллик берган имкониятлардан фойдаланишга, узоқ йиллар ичга ютиб келган орзу-армонларини ушлатиришга аҳд қилди. Шу ниятда «Гулдурсунлик» МЧЖни ташкил қилиб, унинг биноси қурилишига бошқаб бўлди.

Аяни пайтда ушбу корхонага ўғли Рашид раҳбарлик қилмоқда. Қуш уясида кўрганни қилади, деганлари рост экан. 1999 йили Қорақалпоқ давлат университетининг иқтисодий факультетини тамомлаган ёш мутахассис отасига чинакам издош бўлди. Тижорат, савдо-сотиқ, бизнес сирларини пухта ўргана бошладик. Энди у элга машур тадбиркор.

Рашидга отаси тадбиркор доим излашида бўлиши керак, деб қўл таянчлариди. Бу гап унинг доим унинг қўлига остида жаранглаб туради. Ақчақўл бўйида дам олиш маскани қурилиши жараёнида ана шунга амал қилди. Бино томини ёпиш учун 900 та черепица керак бўлди. Бозорда унинг нархи фалон пул. Суриштириб билдикки, битта черепица ишлаб чиқаришга атиги 40 сўм маблағ сарфланаркан. Дарё қирғоғидан ювилган кўм, яроқсиз ташлаб юборилган пленка, миқозининг дидига мос бўёқ қийоқ. Уни нега фалон пулга сотиб олиш керак? Шаҳарнинг ўзи истиқомат қилаётган бешинчи маҳалла ҳудудида иккита ишлаб чиқариш корхонасини

ишга туширди. Пўлат Далмуҳаммадов, Унай Мирзаев каби қўли гул йиғитлар қисқа вақт ичида черепица ишлаб чиқариш ишини пухта ўзлаштиришди.

Бугун ўрмон ҳўжалиги идорасининг бўш хоналарида ташкил этилган ишлаб чиқариш цехларида ҳаёт қайнайдик.

— Ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиридик. Буортмалар 15 ми узилмапти. Битта шиферни 15 ми сўмга сотяпмиз, — дейишди йиғитлар.

Албатта, қўрилган фойда ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, ишчи-хизматчиларни моддий-маънавий рағбатлантиришга сарфланапти.

Иккинчи цех эса «АКФА» деб номланади. Цех устаси Умар Ортиқов ўз касбини яхши кўради. Шу боис ишини пишиқ-пухта бажаради. Эндиликда у қурган ойна-эшиқлар нафақат Эллиққалъадан, Қорақалпоғистоннинг бошқа туманларидаги биналар, хонадонларга ҳам кўрқ қўшмоқда.

«Гулдурсунлик»нинг гишт заводи ҳам бор. Бу ерда ҳам сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, буюртмачилар ишончли оқланмоқда. 20 гектардан иборат фермер ҳўжалигида эса қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштирилади. 21 та савдо шохбчаси орқали туман аҳолисига сифатли савдо хизмати кўрсатилмоқда.

Жамоада Комилжон Нурмонов исмли ўз касбининг устаси бор. У узоқ йиллар Озод ота билан бирга ишлаб, унинг ишончини қозонган. Бундан ташқари, Дилфуза Вафоева, Омонжўл Содиков, Лола Нуриимбетова, Баҳром Авазов, Замира Кенжаева, Раваҳан Ортиқов каби сотувчилар ҳам Рашиднинг қўл-қанотлари.

Жамият аъзоларининг фидойилиги туфайли йил сайин товар айланиши охиб бормоқда. Бу кўрсаткич 2007 йилда 285280,4 сўм бўлса, 2008 йилнинг биринчи ярмида 598640,9 ми сўмга кўсаяпти. Соф фойда 4176,4 ми сўмга өтди.

Еш тадбиркор яқинда реклама хизмати кўрсатишни ҳам йўлга қўйди. Шу мақсадда Бўстон деҳқон бозори худудида «Ешлар дизайни» номли фотостудия иш бошлади. Унга иқтидорли дизайнер Даврон Ражаббоев раҳбарлик қилапти. Бу ерда турли полотнолар тайёрланмоқда.

Рашид Шомуродовнинг орзулари бисёр. Яқин кунларда Жанубий Кореяда маҳоратини ошириб, эко-туризмини йўлга қўймоқчи.

Жангабой Жайжонов, журналист

Эътибор

«Гулистонэкстракт» очик турдаги хиссадорлик жамияти нафақат воҳадаги, балки мамлакатимиздаги юқори ишлаб чиқариш қувватига эга саноат корхоналаридан бири саналади. Унда бир суткада 700-750 тонна чигит қайта ишланиб, 110-120 тонна тоза ёғ, қўллаб миқдорда сифатли совун ва қўнжара маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Мухаммад КАРИМ олган суратлар

Анорбой НОРҚУЛОВ

Мамлакатимиз ирригация иншоотларида

Наманган аэропортидан кўтарилган ҳаво лайнери гувиллаганча қўп қаватли иморатлар қаторлашган шаҳарни ортада қолдириб, унда-бунда кўмушимон булут парчалари сузиб юрган осмон узра парвоз қилишни бошлади. Кўйда аргамчидек чувалаган Сирдарё, ям-яшил дала-лар, ҳосили фарқ пишган боғлар, дарё қирғоқларида эса шахмат тахтасини эслатувчи шопипоялар...

— Ўзбекистонимиз, хусусан, Фарғона водийси ҳақиқатан гўзал, — деди шундоқ ёнгинамда ўтирган ва «Чортоқ» сикхатгоҳида хордиқ чиқариб уйга қайтаётган йўловчи отахон. — Ҳаммага ўз киндик қони тўқилган маскан чиройли кўринади, лекин бизнинг томонларда юқоридан қарасангиз, кўпроқ қўлга кўзингиз тушади.

Мехмон ҳаво лайнери иллюминаторидан яна бир фурсат пастга нигоҳ ташлаган бўлди-ю, давом этди:

— Тагин бир нарсани пайқадим, сизларда сув омборлари кўпроқдек туюлди менга.

Инсонда одатда ҳар қуни кўриб, учратиб юрган нарсаларига бефарқроқ бўлади. Масалан, хизмат тақозосига кўра биз журналистлар бот-бот сафарда бўламиз. Сув сақлаш омборлари ёнидан ўтиб тураемиз. Ҳар қуни учратаверганимиздан буларга камроқ эътибор берад эканмиз. Шуларни ҳаёлдан ўтказаётганимизда шеригим пастга ишора қилди:

— Анави қўлими? Еки уям наватбадги сув омборини? Шеригим кўрсатган тарафга кўз

ёрдамида сўғорилади. Кейинги 3-4 йил ичида Чуст билан Тўрақўрғон ва Наманган, Сирдарёнинг чап соҳилидаги Мингбулоқ туманлари ораллидаги Резаксой сув омбори бунёд этилди.

— Дарё сувини тўплайдими? — савол ташлади мехмон.

— Мулақоқ ундай эмас, — жавоб қайтардим. — Аксинча, қишлоқ ҳўжалик ишлари авж олган ойларида дарёга зарур сув ташлаб об-ҳаётга нисбатан тан

ҳобчаси, тоғларга туташ адирлиқлар ёнбағридан ўтган Катта Наманган каналининг кеч қуз ва қиш ойларида зарурати бўлмаган суви ҳам уша паллада узунлиги 15, эни 1,5-2 чакримли ушбу суний денгизга йўналтирилади.

Резаксой сув омбори тўғонининг узунлиги 3320 метрдан ортиқ, баланглиги 80 метр, лойиҳа бўйича сигими 200 миллион кубометр. Иккита дарвозаси мавжуд бўлиб, пасткиси

секундига 40 кубометр суви Сирдарёга узата олади. Ундан 13 метр юқоридидаги иккинчи дарвоза Шимолий Фарғона каналига 20 кубометр сув чиқариш қувватига эга.

Бу йил лойиҳа сизимининг ярмига яқин захира тўпланди. Аяни кунларда ана шу захира сув талаб далага малҳамдек бўлиб турибди. Фарғонада Резаксойдан Шимолий Фарғона каналига 15 кубометр сув ташланмоқда.

— Бу билан 20 ми гектар экинзорининг сув таъминотини яхшилашга ёрдамлашмоқдамиз, — дейди сув омбори бошлиғи Рустамжон Исоқжонов.

Ҳа, мехмон ҳавас қилиб таъкидлаганидек, водийда сув омборлари се-роб. Уларнинг ҳар бири хаёқ ҳўжалигини ривожлантириш, Ўзбекистонимиз иқтисодий қудратини ошириш, адирлиқлар ёнбағридаги асрлардан бери қақраб ётган даштарни ўзлаштиришга, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириб, водийнинг янада гўзалроқ қиёфа кашф этишига ёрдамлашмоқда.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ishonch» муҳбири


Резаксой малҳами



ташлади-ю, қулдим:

— Уям сув омбори. — Кейин изоҳ бердим. — Агар қизикқан бўлсангиз мамлакатимиз география харитасида водий вилоятлари худуди юксак тоғлар билан ўралган. Бизда экинга яроқли ҳар қарич өр ҳисобли. Тоғлар қўйнидаги адирлиқларга эса сув чиқариш мушкул. Шу боис адирлик ва қиялиқлар асосан сув омборлари

«ХУНАРНИ АСРАБОН НЕТГУМДИР ОХИР...»



акс этгандек туюлаверади. Бебаҳо санъат дурдоналари ўзбек қизлари талқинида яна кўз очиши эса қувончи.

мактабини яратиш ҳаракатида. — Тўққиз авлодимиз қулло ўтган, — дейди ургутлик Ином Облакулов. — Сулолаамиз анъанаси барҳаётлигича қолапти. Болаларимиз эсини танингандок мерос хунардан бохабар этилади. Касби-хоридан қатъи назар бобомерос бу хунарни мукамал эгаллашга интилиш қонимизда бор.

Қадим Хитой шойиларининг доврғи дoston бўлганлиги рост. Бироқ самарқандлик хунармандлар ип-газламага ишлов, табиий ранг, жило беришда уларни ортада қолдирганлиги ҳам аён ҳақиқат. Афсуски, хунарманд рағбат, эътибор топмаган даврда азалий мерос назардан четда қолди.

Фаневлар сулоласи ўтмиш меросни жонлантириш, унут бўлаётган анъаналарни тиклаш борасида кўп изланди. Шоира Фанева матога гуллар, ўсимлик ва турли безаклар акс эттиришни йўлга қўйган бўлса, Лола, Шахноза, Дилором каштачиликнинг унутилган усули «Батик»ни қайта тиклашди. Матодаги жило кишини ўзига тортмай қўймайди. Биргина каштачиликнинг ўзи бир дунё. Аёл қалби, унинг юраги тубидаги орау-умидлари ана шу кашталарда

лар уюшмаси раиси Ақобир Ҳақимов «Самарқанд хунармандчилиги: азалий мерос — ёшлар ардоғида» кўрик-танловиди. — Бугун улар ўзларидан олдинги авлоддан ҳеч ҳам орта қолаётгани йўқ. Билъақ, кўп соҳаларда устулик қилишмоқда.

Дарҳақиқат, хунармандлар орасида ўз нуфузи, ўрнига эга бўлган ёшлар оз эмас. Жамол Эсонов нафақат Оқдарёда, балки бутун воҳада танилган усталардан. У Шоҳи Зинда мажмуаси, Улугбек расадхонаси ҳамда Мурод авлиё зиёратгоҳлари кириш эшиклари ва пештоқларига жило берди. Ёш бўлишига қарамадан ўткир зехн, ақл-идрок билан ёғочга нафис ишлов беришининг ҳадисини олган. Жамол хунарини ёшларга ўргатиш, устачилиқда ўз

Боқий Анъаналар

ёлғиз қизини суймаганига узатишга мажбур бўлади. Агар у шу ишга жазм этмаса, бутун қишлоқ тупроқдан бебаҳра қоларди-да. Дарҳақиқат, бундай ноёб тупроқ кўпгина заминларда ана шундай қадри. Бизда-чи, қуллоларимизда бу борада муаммо борми? Тупроқ сероб. Ана шундай нодир буюмлар асрашга мос тупроқ шу даражада кўпки, ҳар қадамда учратасиз. Биттаси — Қизил ҳар. Хадсиз-худудсиз бу кенгликдан миллионлаб қулочлик анжомлари ясаб учин нодир тупроқ олиш мумкин экан. Бой за-

хира соҳанинг ривожланиши, тараққий этишига хизмат қилади. Тупроғи олтинга тенг юртимиз ана шундай мўъжизаларга ошён.

Хунар соҳиблари учун яратилган шароит, ижодий муҳит ўз самарасини берапти. «Уста-шоғирд» мактабларининг ташкил этилиши кўҳна касб истиқболига хизмат қилмоқда. Тан олиш керак, миллий хунармандчилик ривожини йўлида хизмат қилаётганларнинг нодир асарлари кўргазмалари ташкил этилаётир. Самарқандлик бир гуруҳ ёш хунармандлар Германия, Франция, Хиндистон, Россия, Қозғоғистон сингари давлатларда ўзлари яратган маҳсулотлар кўргазмасини намойиш этгани эътирофга лойиқ.

Қадим диёр хунармандчилиги анъаналари барҳаёт. Ана шу мерос давомийлигини таъминлаш билан бугунги кунда вилоятда йиғирма мингга яқин оила шуғулланиб келмоқда. Ун минг нафар ёшлар хунармандчиликнинг ўлттиздан ортиқ турини пухта ўзлаштирганлигининг ўзи бир ҳикмат. Улмас мерос бардавом, эркин ривожланиши учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Шу боис касб-хунар этагини тутиш ниятида бўлган ёшлар сафи қундан-қунга кенгайиб бормоқда.

Самарқандда ажиб бир рух ҳукрон. Миноралар пештоқда, зиёратгоҳлар қопқаларида қўли гул аждоларимиз улкан мероси ўзлигини намоён этади. Бу мўъжиза инсон ақлу тафаккурини ром этиб, дилга илҳом солади. Ха, хунар ўлмас, хунар боқийдир.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» муҳбири

Юзма-юз



Давлат тили — жамият тараққиёти асоси

Ҳар бир халқнинг тили унинг борлиги, ўз номи билан қадр топиб яшаётганини билдириб турадиган миллий рамзи ва бебаҳо бойлигидир. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, «Миллий тилин йўқотмак, миллатнинг руҳини йўқотмакдур».

21 октябрда ЎзҚФКнинг Ўқув марказида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 19 йиллигига бағишланган тадбир ўтказилди. Унда Ўзбекистон маданият ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар вакилиги ҳисобчилари ва бошланғич ташкилотнинг газначилари «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари журналистлари билан учрашди. Қизиқarli таассуротларга бой бўлган ушбу маросимда сўзга чиққан бош муҳаррир ўринбосари Довуд Мадиёв демократик жамият ривожиди давлат тилининг нуфузи ҳақида гапириб, жумладан шундай деди:

— Гарчи 1989 йил 21 октябрда она тилимизга давлат тили мақоми берилган бўлса-да, фақат истиқлол туйғулари ўзбек тили мамлакатнинг байроғи, герби, мадҳияси ва Конституцияси қаторида қонун билан ҳимояланганлик мўқаддас тимсол сифатида эътироф этилди. Истиқлол йиллари тилимизнинг қўлланиш доираси кенгайди. Асосий қонунимизда эса ўзбек тили билан биргаликда юртимиздаги барча миллатларнинг тилини ривожлантириш, ҳимоя қилиш, тили ва дини, миллатидан қатъи назар ҳар бир фуқаронинг она тилида таълим ва ахборот олиш каби ҳақ-ҳуқуқлари қаролатланди.

Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими муҳаррири Амина Қодирова она тилимизнинг бойлиги, ёш авлод қалбиди миллийлик туйғусини уйғотишга ва мустақамлашга замин яратиши, уни ҳамisha асраб-авайлаш ҳар биримизнинг мўқаддас бурчимиз эканлигини таъкидлади.

Газета муҳбири Дилдора Раҳмонованинг чиққиси ҳам иштирокчилар томонидан илқ кутиб олинди. Шундан сўнг қизгин мунозаралар бошланди кетди.

Навоий вилояти маданият ходимлари қасаба уюшмаси вакили Улугбек Мусаев, Фарғона вилояти маданият ходимлари қасаба уюшма вакили бош ҳисобчиси Ноила Никонора, Бухоро вилоят тармоқ ходимлари вакилиги ҳисобчиси Олия Ҳамидовалар инсон камолотида, жамият ривожиди давлат тилининг ўрни нақадар муҳимлиги ҳақида мулоҳаза билдирдилар.

Ўз муҳбиримиз



Иқром ҲАСАНОВ олган суратлар

Орамиздаги одамлар

Муаллим — инсон қалбига эзгулик уруғини экувчи мришкор. Бу шарафли номни оқлаш ва улуглаш ушбу касб соҳибидан тинимсиз изланишни талаб этади. Шундангина у эл-юрти, махалладошлари-ю ўз жамоаси, ўқувчилари орасида эъзозланади, ҳурмат, эътибор топади.

Муаллим — қалб меъмори

Робияхон Ширинова ҳам ана шундай элдо эъзоз топган муаллима-лардан. 32 йилдики, у Ургут туманидаги 65-умумий таълим мактабиди бошланғич синфларга сабоқ бериб келади.

— Менинг бу касбга бўлган меҳримни оширган инсон, — дейди Робияхон Ширинова, — меҳрибон устозларим Умрзоқ Бобоқулов ва Саидмурод Орамуродовдир. Ўқувчилигимда уларнинг меҳрибонлик билан бизга қўрсатган йўл-йўриқлари, насихатларини ҳали-ҳамон ёдимда сақлайман. Шу боис, ўзим ҳам ҳар жиҳатдан устозларимга ўхшашга, болажонларга меҳр билан эътибор беришга интиламан. Инсоннинг эзгулиқа йўрилган қалби мисоли она ер. Ўзди ёшқидан қайси уруғни ташласангиз, ўша униб чиқади.

Узоқ ОМОНОВ,
Ургут тумани

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон енгил, мебел санаоти ва коммунал-маиший хизмат ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ҳамда вилоят вакилликлари «Қумуш» АЖ қасаба уюшма қўмитаси раиси Акбар Назарова волидаи муҳтарамаси

МАМЛАКАТ аянинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон енгил, мебел санаоти ва коммунал-маиший хизмат ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ҳамда вилоят вакилликлари Марказий кенгаш ҳуқуқшуноси Абдумухит Мухторовга ўқаси

АНВАРЖОНнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур ҳамдардлик изҳор этади.

Жиззах вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жиҳаз хизматлари кенгаш бўлим мудири Илҳом Турсуновга сениглиси

Насиба ЖАВЛОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Жиззах вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жиҳаз хизматлари кенгаши бўлими мудири ўринбосари Тўлиқбой Тўйчиевга падади бузруквори

Тўйчи отанинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Масала ечимини топди

Вилоятимизда 16 мингдан ортиқ қорхона давлат рўйхатидан ўтган бўлиб, уларнинг айримлари ўзларининг таъсисчилари қарорига асосан тугатилди. Муайян фурсат бундай қорхоналар фаолиятини тугатиш ва уни давлат рўйхатидан чиқаришнинг аниқ мезонлари, тартиб-қоидалари мавжуд бўлмаганлиги юқоридаги каби юридик шахсларга бирмунча қийинчиликлар туғдирарди. Президентимизнинг 2007 йил 27 апрелдаги «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори ушбу масаланинг ечимини топшда дастуриламал бўлди.

Мазкур қарорга асосан фаолиятини ихтиёрий тугатаётган қорхоналарга бирмунча имтиёзлар белгиланди. Жумладан, рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсининг молия-ҳўжалик фаолиятини тўхтатиши. Ихтиёрий тугатилаётган юридик шахсининг мажбуриятларини бажаришга йўналтирилаётган маблағларидан солиқ олинмайди. Бироқ бу қарорга илова қилинган «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида»ги Низомга қўра, банклар ва бошқа кредит ташкилотларини, суғурталовчилар ҳамда уларга тенглаштирилган қорхоналарни, қонун ҳужжатларида назарда тутилган банкротлик белгиларига эга бўлган қорхоналарни тугатишда қўлланилмайди. Низомга мувофиқ қорхонани ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор унинг муассислари томонидан рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этилади ва бу ҳақда давлат реестрига ёзиб қўйилади. Шундан сўнг қорхона, жиҳмоний шахс ўз фаолиятини тўхтатган ҳисобланади.

Қорхонани тугатиш учун муассислар томонидан тугатиш комиссияси ташкилланади. Юридик ва жиҳмоний шахс тугатишнинг истаган босқичидан ўз фаолиятини қайта тиклаши ва тугатиш жараёнини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Юридик шахсларни ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги маълумотлар туман (шаҳар) ДСИга рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан бу ҳақда қарор нусхаси олинган қундан кечиктирмасдан тақдим этилади. Рўйхатдан ўтказган орган тақдим этган маълумотномада қорхонанинг тулик ва қисма номи, СТИР ҳамда ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида рўйхатдан ўтказган органи хабардор

қилган сана қўрсатилиши шарт. Қорхона давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органи рўйхатдан ўтказган органдан маълумот олинган қундан бошлаб уч иш куни мобайнида қорхонанинг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириши (тафтиш қилиш) солиқ инспекциясининг «Ҳўжалик юритувчи субъектларда ҳўжатли текширишларни ўтказиш» шўъбаси ходимлари томонидан амалга оширилади ва бунда унинг мuddати ўттиз календар қундан ошмаслиги керак.

Хусусан, мазкур қарорга биноан вилоятда жами 129 та қорхона тугатилиб, Давлат рўйхатидан чиқарилди. Шундан 4 та қорхонанинг 5203,6 минг сўмлик боқиманда қарзига қарорга асосан пеня ҳисоблаш тўхтатилди. Ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган 98 та қорхонанинг фаолиятини тугатиш ишлари олиб борилмоқда.

Кармана туманидаги «Ислонбек 2000» фермер ҳўжалиги, «Агро-универсал» МЧЖ, «Набижон» ва «Мелифутбулоғи» фермер ҳўжаликлари фаолиятини ихтиёрий тугатиш ишлари давом этаётганлиги билан бир вақтда уларга нисбатан қарорда қўзда тутилган имтиёзлар қўлланилмоқда. Яъни, «Ислонбек 2000» фермер ҳўжалигининг 4174 минг сўмлик боқиманда қарзига нисбатан 370 минг сўмлик пеня ҳисоблаш тўхтатилди. Худди шунингдек, юқорида қайд этилган ҳўжалик юритувчи субъектларга нисбатан ҳам ана шундай имтиёзлар қўлланилди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қарор мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятига мустаҳкам пойдевор қўяди ва унинг тараққиётига ҳам кенг йўл очиб беради.

Ғиёс БУРОНОВ,
Навоий ДСБ бўлим бошлиғи

Қонун, қарор ва ижро

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қатта эътибор қаратилмоқда. Юртбошимиз ташаббус билан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар жамиятда рўй бераётган ўзгаришларда ўз аксини топмоқда.

Инсон манфаати — олий қадрият

Жумладан, «Жинойи жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун (2001 йил 29 август)га асосан эндиликда жиноятчиларга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган муқobil жазо турларини қўллаш доираси кенгайтирилди. Ярашув институтининг жорий этилиши жиноят содир этган шахсининг тўзалиш йўлига ўтиши ҳамда унга жамоатчилик, маҳалла ва оиланинг фаол таъсир қўратиши учун имкон яратиб берди. Бу эса ўз-ўзидан жиноятчиликнинг қайтаги хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони (2005 йил 1 август)га асосан жорий йилнинг 1 январидан юртимизда ўлим жазоси бекор қилинди.

Жаҳон таърибаси шуни қўрсатадики, ўлим жазоси бугунги кунда дунё давлатларининг учдан икки қисмида қонун асосида бекор қилинган. Бундай давлатлар сони йилдан-йилга ортиб бораёпти.

Қонунчиликнинг ушбу катта воқеа, шунингдек, улғ байрамлар муносабати билан эълон қилинган амнистия актлари жамоатчилик томонидан мануният билан қабул қилинмоқда. Чунки адолат ва инсонпарварлик мезонига асосланган суд-ҳуқуқ ислохотлари шўъҳасиз юртимиз раънақиға хизмат қилади. Қолаверса, донолар айтганидек, яхшилик яхшиликка, ёвузлик ёвузликка йўл очади. Давлатдан қатта меҳр-муруват қўрган, авф этилган инсонлар ҳам албатта яхшиликка интилади.

Мирвосил ана шундай ёшлардан эди. У эндигина 22 ёшга қадам қўйган, умрининг серваз ва унутилмас қунларини бошдан кечириётган эди. Ҳар куни иш вақти тезроқ тугаганини сабрсизлик билан кутар, соғинч билан уйига ишларди. Саранжом-сарийшта ҳовлисига қадам

қўярган, атлас қўйлак кийган келинчақ унга тавозе билан салом бериб қўлига сув қўйганда бахтдан юраги хапқириб кетарди.

Уша кунни ҳам қувониб уйига келди. Қунда томондан меҳмонлар келишган экан. Овқатга қўшиб озгина шароб ҳам ичишди. Қайфи бироз ошганига, меҳмонлари ота-онанинг ҳай-ҳайлашига қарамай гараждан «Нексия»ни олиб чиқди. Меҳмонларни манзилига ташлаб қайтаётганда қутилмаганда очик дарвозадан икки болакай бир-бирини қуваллашиб чиқиб қолди. Мирвосил тормоғни босди. Бўлмади... Кўз олди қоронғилашиб кетди. Болаларнинг бир шў ерининг ўзиди ҳалок бўлди. Иккинчисининг оёғи синди...

Мирвосил айбига иқрор бўлди. Қамалди...

Бир умр ҳалол яшаб, элди ҳурмат қозонган отаси бунга чидолмай юрак хуружидан вафот этди. Она касалманд бўлиб қолди. Келинчақ не орзулар билан дунёга келтирган фарзандининг юзига термулиб ю-юм йўғлади.

Маҳалла аҳли Мирвосилни яхши биларди. Унинг одобни, хулқи ҳаммага ўрнак эди. Оқсоқолу етакчилар Мирвосилни қадрига олишди. Ҳукумат адолат қўрсатди. Қонун уни қўллаб-қувватлади. Бир йилда қамоқдан озод этилди.

Одил сёбсат, оқилона қабул қилинган қарор тўғрисида бир оила сақлаб қолинди, бир инсон ҳаётига яна мазмун кирди. Бу адолатли қонунлар, демократик ислохотлар самарасидир.

Дилдор ҚУРБОНОВА,
Яккасарой туманидаги
1-Давлат нотариал
идорасининг нотариуси

Эъзоз

Ёқубжон Бадалов меҳнат фаолиятини Марғилон шаҳар почта боғламасида 1966 йилда бошлаган. Ҳушмуомалалиги, меҳнатсеварлиги билан жамоада ҳурмат қозонган.

Касбга муҳаббат

Байналмилал маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Навоий, Завакий, Ҳўжа Порсо, Нодира, У.Алиев, А.Тўхтасинов, «Бахтиёрлик» кўчалари аҳли газета-журналлар, хат-хабарлар, пенсия пулларини ўз вақтида олаётганлари учун ундан чексиз миннатдор. — Ёқубжон тўғрисидаги, ширинсўханлиги, ҳалоллиғи билан эл ичиди да обрўга эга. У ҳақда бировнинг норози бўлиб

гапирганини эшитганимиз йўқ. — дейди почта боғламаси саралаш бўлими бошлиғи Шарофатхон Жўрабоева. Е.Бадалов бир неча марта фахрий ёрликлар билан тақдирланган. Яқинда ўз касбининг фидойисини жамоа аҳли тантанали равишда нафақага кузатишди. Бирга ишлаган дўстлари, ҳамкасблари унга иззат-иқром қўрсатишди. **Муҳаммадjon МАХМУДov**


Таклиф Коммуникация ва матн

Жамият тараққиёти билан боғлиқ равишда мулоқотнинг турли шакл ва воситалари пайдо бўлади. Энг аммаллашгани вербал тури, яъни оғзаки ва ёзма нутқдир. Мулоқотнинг бошқа шакл ёки воситалари ана шу ёзма ёки оғзаки нутқнинг ё таъсир қўламини кенгайтиришга, ё тезлаштиришга ёки шунга ўхшаган мақсадга хизмат қилади.


Ахборот оғзаки ва ёзма матн тарзида узатилади. Вербал коммуникация жараёнида мулоқот иштирокчиларнинг микдори, ёши, савияси, дунёқароши каби социал-психологик омиллардан қатъи назар муайян коммуникация занжиридан ташкил топади. Бу тизимнинг ҳар бир унсури ўзига хос хусусиятга эга. Биз фақат матн ҳақида тўхталик. Матн энг юқори синтактик бирлик сифатида объекте оламдаги бирор нарса, воқеа ёки ҳодиса ҳақида кенг маълумотни ифодалашга хизмат қилади. Матннинг асосий хусусиятидан бири унинг тугаллиги аниқлаштирилади. У нечта гапдан ташкил топшишга қарамай, гаплар бир-бири билан мазмунан боғланган бўлади. Матннинг мазмунини унинг се-

мантикасини ташкил этади. Шунингдек, матндаги гаплар грамматик воситалар ёрдамида ўзаро боғланади. Матнни ташкил этувчи қисмлар ўртасидаги боғланиш унинг синтактик хусусияти ҳисобланади. Матндаги гаплар мустакил вазифа бажариб, умумий бир мақсадни ифодалаш учун хизмат қилади. Ҳозирги глобаллашув, стандартлашув жараёнида биз юқорида эслаб ўтган «инсон ва компьютер» мулоқоти жуда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун коммуникация жараёнида ўзбек тилининг ахборот услубини яратиш кераклиги яққол сезилади.

Нилуфар АБДУРАХМОНОВА,
УзМУ талабаси



Кутлаймиз!



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров 80 ёшга тулди. У «Студентлар», «Уч ил-диз», «Қадрим», «Эрк», «Қора кўзлар», «Олмос камар», «Юлдузли тунлар» каби ўнлаб китоблари билан халқимизнинг меҳрини қозongan.

Пиримқул Қодиров адабиётшунос олим сифатида ўзбек тили ва адабиётининг илмий-назарий масалалари билан шуғулланиб, «Тил ва дил», «Халқ тили ва реалистик проза», «Тил ва эл» рисолаларини ёзган. Унинг «Амир Темур сиймоси» тадқиқоти тарихимизни ҳолис ўрганиш борасида муҳим ўрин эгаллайди.

Адибнинг «Қадрим» қиссаси асосида «Сенинг изларинг» бадиий фильми, «Юлдузли тунлар» романи ва «Жон ширин» ҳикояси асосида кўп серияли видеофильмлар суратга олинган. Унинг асарлари рус, украин, ҳинд, урду, турк, уйғур, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида нашр этилган.

Пиримқул Қодировнинг халқимиз олдидagi хизматлари ҳуқуқимиз томонидан муносиб тақдирланган. У Ҳамза номидаги давлат мукофоти лауреати, «Шуҳрат» медали ва «Эл-юрт ҳурмати», «Буюк хизматлари учун» орденлари билан мукофотланган.

«Ishonch» газетаси жамоаси фаол муаллифимиз, таҳрир ҳайъати аъзоси Пиримқул Қодировни табаррук ёши билан муборакбод этади.

Спортимиз юлдузлари

Кейинги 10 йил давомида бокс бўйича 91 кг.дан юқори вазн тоифасида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган бу спортчини яхши биласиз. Ҳа, бу ўша зарбалари билан мана-ман деган боксчиларни довдиратган ҳамюртимиз Рустам Саидов!

Ринг қироли Рустам Саидов ҳозир қаерда?

Икки карра Осиё ўйинлари қолиби (2002, 2006), тўрт карра китъа чемпиони, жаҳон чемпионати (2003) бронза медали совриндори, Сидней-2000 Олимпиадаси бронза медали соҳиби, Туркияда ўтадиган нуфузли Ахмет Комер халқро турнирининг беш марта қолиби, «Яхши ният ўйинлари» қумуш медал совриндори, талабалар ўртасида жаҳон чемпиони, мамлакатимизнинг саккиз карра чемпиони, республикада хизмат кўрсатган спортчи, «Ўзбекистон ифтихори» унвони соҳиби...

Ҳўш, ринг қироли дейишга арзғулик бу боксчимиз ҳозир нима иш билан банд? Унинг Пекинда ўтган ёзи Олимпиада ўйинлари ҳақида фикрлари қандай? Узини профессионал ринг-да синаб кўриш нияти йўқми? Шу каби саволлар атрофида Рустам Саидов билан суҳбатлашдик.

— Рустам ака, келинг, суҳбатимизни 2007 йил Чикагода ўтган жаҳон чемпионатидан бошлаш. Аббос Атоев чемпион бўлган мақор мусобақада мухлислар сиздан ҳам шундай натижа куттишганди...

— Чемпионат олдидан ўтказилган машғулотлар пайтида спарринг рақибимнинг тирсагинга тегиб, бармоқларим синганди. Шунинг учун жаҳон чемпионатида кўнгилдагидек иштирок эта олмадим. Бу мусобақада менинг вазимда италиялик Роберт Камарелли қолиб чикди. Ва-хотанки, фаолиятим давомида

— Юқоридаги нуфузли мусобақаларга ҳозирлик кўраётган таркибда сиз ҳам боримизми?

— Йўқ. Мен 2008 йилнинг июн ойидан бошлаб мураббийлик ишини бошладим. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тавсияси билан бугунги кунда Чирчиқ Олимпия захиралари коллежида бокс бўлими бош мураббийи сифатида фаолият кўришмоқдам.

— Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи сиз учун беғона эмасми...

— Ҳа, 1998 — 2000-йиллар ушбу спорт даргоҳида таҳсил олганман. Михаил Романчук, Илёс Раҳимжонов, Махмуд Хўжаев каби ўз касбининг фидойилари бўлган устозлар Алишер Раҳимов, Икром Бердиев, Файрат Маткаримов сингари истеъдод эгалари қатори менга ҳам бокс сирларини ўргатишган эди.

— Сиз ўқитган давр билан ҳозирги пайтдаги Олимпия захиралари коллежида катта фарқ борми?

— Ҳа, ҳозир Чирчиқдаги коллежнинг қиёфаси бутунлай ўзгарган. Янги мажмулар қурилган, шарт-шароитлари яхшиланган. Қолаверса, коллеж раҳбарияти спортчиларнинг мусобақаларга чиқиши, ўқув-машғулот йиғинлари ташкил этиш учун барча шароитларни яратиб беряпти.



бокс фанатизм даражасида ҳаёт мазмунига айланган. Масалан, баъзилар дўкон очади, тadbиркорлик билан шуғулланади. Бу ҳам керак, албатта. Аммо юқорида тилга олган устозларим факат бокс учун яшайди. Уларнинг иш услуби ўзимда ҳам бўлишини истардим.

— Оруз ва армонларингиз...

— Профессонал бокс жанглирида ҳам рингга чиқиш, чемпионлик камарига эришиб, уни бошим узра бандан кўтариш орузим армонга айланди. Профи-боксда ҳам ўзимни синаб кўрмоқчи бўлдим. Бироқ инсон саломатлигини ҳам ўйлаши керак-ку. Шунинг учун мураббийликни танладим. Ниятим — катта спортда тўлган тажрибамизни ёшларга ўргатиб, улар орасида Осиё, жаҳон ва Олимпиада чемпионоларини тарбиялаб воғга етказиш.

— Икки нафар фарзандим — бир қиз ва ўғлим бор. Улар ҳам улғайганда спортнинг бирор түби билан шуғулланишини истайман. Чунки спорт машғулотларида тобланган одам ёмонликни ўзига эл кўрмайди.

— Кўплаб мураббийлар билан ишлагансиз. Улардаги қайси фазилатлар ўзингизда ҳам бўлишини истардингиз?

— Устозларим Махмуд Хўжаев, Илёс Раҳимжоновлардаги боксга бўлган меҳрни юксак кадрлайман. Улар учун

Акмал АБДИЕВ суҳбатлашди.

Ishonch газетаси мухбирлари сиз билан суҳбатлади

Рустам Саидов

ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМ

Комил инсонни тарбиялаш, одамларни эзгуликка даъват этиш ва маънавиятини юксалтиришда адабиётнинг ўрни беқийсдир. Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида миллий адабиётимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшган ёзувчи ва шоирларни эъзозлашга, навқирон авлоднинг уларнинг асарларида илгари сурилган эзгу гоялар асосида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбек адабиётида миллий ва умуминсоний қадриятлар ривожига, халқимиз маънавиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшган ижодкорлар кўп. Шу кунларда таваллудининг 80 йиллиги нишонланган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров ана шундай сўз санъаткорларидан. Адиб ўзининг романлари, қиссалари, ҳикоялари ва публицистик мақолалари билан ўқувчилар қалбидан жой олган.

га алоҳида эътибор қаратилётганини таъкидлади. Адиб асарларининг адабиётимиз ривожига тутган ўрни ва ёзувчининг жамоатчилик фаолияти ҳақида тўхталди.

Ёзувчи ижодида тарихий мавзудаги асарлар алоҳида ўрин тутди. «Юлдузли тунлар» романида бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг мураккаб ва машаққатли ҳаёт йўли гавдалантирилган. «Юлдузли тунлар», «Авлодлар доғони», «Она лочинидоси» асарлари тарихий факт ва реал воқеаларга асослангани билан катта аҳамиятга эгадир.

Адиб юбилеи муносабати билан тавлим муассасалари, маданият масканларида П.Қодиров ҳаёти ва ижодида бағишланган адабий-бадиий тadbирлар ташкил этилди.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида 24 октябр кuni адиб таваллудига бағишланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди. Бу ерга ёзувчи ва шоирлар, санъат ва маданият арбоблари, олимлар, талаба-ёшлар, жамоатчилик вакиллари йиғилди.

П.Қодиров адабиётшунос олим сифатида ўзбек тили ва адабиётининг илмий-назарий масалалари билан ҳам шуғулланиб келмоқда. «Тил ва дил», «Халқ тили ва реалистик проза», «Тил ва эл» рисолалари ана шу изланишлар натижасида юзга келган.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида 24 октябр кuni адиб таваллудига бағишланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди. Бу ерга ёзувчи ва шоирлар, санъат ва маданият арбоблари, олимлар, талаба-ёшлар, жамоатчилик вакиллари йиғилди.

Президентимиз фармони билан Пиримқул Қодиров халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров «Эл уртури» ва «Буюк хизматлари учун» орденлари билан мукофотланган.

Тadbирда сўзга чиққан Пиримқул Қодиров мамлакатимизнинг мустиқликка эришиши ижодкорларга эркин ижод қилиш имконини берганини таъкидлади. Адабиёт ривожига, ёзувчи ва шоирлар меҳнатини қадрлаш борасида доимий гамхўрлик кўрсатиб келаятгани, ўзига кўрсатилган юксак эҳтиром учун Президентимиз Ислоҳ Каримовга миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, адабиётшунос У.Норматов, Халқро Бобур жағмараси раиси З.Машрабов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти директори Т.Мирзаев, филология фанлари номзои Ю.Каримова, Ўзбекистон халқ артисти М.Абдуқундузов Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда барча соҳалар қатори миллий адабиётимизни ривожлантириш йўлида фидойилик кўрсатаётган ёзувчи ва шоирлар ижодини қадрлашга, уларнинг асарларини кенг тарғиб қилиш-

Кечада санъат усталари ижросида концерт намойиш қилинди.

Олим ТўРАҚУЛОВ, ЎЗА мухбири

Спорт оламида

Гурур

Кураш — Осиё ўйинларида!

Осиё Олимпия Кенгаши президенти, Халқро Олимпия қўмитаси аъзоси Шайх Ахмад Ал-Фаҳад ас-Сабаҳ ўзбек спортчи-кураш 2009 йили Тайландда яқкураш спорт турлари бўйича ўтадиган Осиё ўйинларидан расмий спорт тури сифатида жой олганини эълон қилди.

Бундан ўн йил муқаддам кураш халқро спорт турига айланган кuni бир шодлигимиз минг бўлган эди. Бобомерос сарчашмалардан куч олган, тарихнинг минг бир алғов-далғов бўҳронларидан халқнинг бағрида асраниб омон келган Кураш энди кичик Олимпиада — Осиё ўйинларидан жой олди. Бу бутун бешли китъа орқали дунёда ўзбеклигимиз, она тилимиз, урф-одатимиз кенг тараннум этилади, деганидир.

Футбол

Ютуқлар бор ва улар кўпаяди

МҲСК стадионида «Бунёдкор» — «Аделаида Юнайтед» жамоалари ўртасида Осиё чемпионлар лигаси ярим финал жавоб учрашуви бўлиб ўтди.

Сафарда рақибига 0:3 ҳисобида имкониятни бой берган «қалдирғоч»лар кейинги боксига чиқш учун ўз майдонида йирик ҳисобдаги галабага эришиши лозим эди. Шунинг учун Зико шоғирдлари бутун ўйин давомида ўз омадини рақиб жарима майдонидан излашга ҳаракат қилишди. Бироқ ўйини Европа футболига қўйсаладиган австралиялик чарм тўп усталари ҳимоя кўрғониде мустақам туришди.

Учрашунинг иккинчи бўлими ўрталарида Баҳодир Пардаев «қалдирғоч»ларни олдинга олиб чиққан бўлса-да, бундан ортиғига имкон бўлмади.

Гарчи, жамоаси Осиё чемпионлар лигаси финалига чиққан бўлса-да, «Бунёдкор» ишқибозларининг хафа бўлишга асослари йўқ. Зеро, «Бунёдкор» мухлислар учун ўйнайди, ширин остида тўп сурадиған жамоа янги марраларни кўзлаб излашида давом этапти. Турли машҳур ўйинчилар юртимизга олиб келиниди, жаҳоннинг таниқли мураббийи, бразилиялик афсонавий Зико бугун ўзбек футболчилари билан келажак режаларини тuzмоқда. Тажрибали мутахассис ўзбек футболга ўз «жавосини», ўзгаришларини олиб кириши, шубҳасиз.

«Пахтакор»да ўзгариш

Тошкентнинг «Пахтакор» футбол клуби раҳбариятида ўзгариш бўлди. Бир неча йиллардан бўён жамоанинг ютуқлари учун ўз улушини қўшиб келаятган мураббий Раваҳон Хайдаров энди клубда селекция ишлари билан шуғулланади. Унинг ўрнига бир вақтлар «Пахтакор»ни бошқарган мутахассис Виктор Жалилов тайинланди.

Ҳангома

Икки кўшни аёлнинг кундалик майда-чўйдалар ҳақидаги суҳбати чўзилгандан чўзилиб буткул бошқа бир мавзуга бурилиб кетди!

— Вой, сиз шунки илтимос қилманг мендан, барибир эсимдан чиқиб кетади, ўргилай. Мана, қўшним Насибохон ўтган кuni хунуб бўлиб бизникига чиқди. «Бозорда конфетлар жудаям қиммат эмиш» деди. Мен унга «Ишонимиз ёнидаги дўконда арзонгина конфет бор, бугун уч кило олдим», дедим. Шунда «Менгаям обқелинг» деса бўладими! Кичигининг туғилган кuni экан, дастурхонга конфет қўймаса бўлмасмиш. «Хўп, эртагаёқ обқелиб бераман» дедим. Шу денг, эртасига кечқурун ишдан қайтсам, эшигимиз ёнида кўшни мизнинг ўғли турибди! Шошибгина уйга кирдим. «Едимдан чиқибди» дейишга уялиб, ўзимизга олган кечаги конфетни қўлга тутқаздим-да, айланай. Нима қилай, хотирамнинг чатоқлиги панд берди.

— Унақа деманг кўшни. Сиздан кўра хотираси чатоқроқлар ҳам бор. Кечаги ҳафтада ўғлимнинг кундалигиға муаллимаси «Синфга парда олишга пул йиғаямиз, сиз ҳам берворинг», деб ёзибди. Маош олган-дан, шу кунгёқ пулни ўғлимга тутқаздим. Орадан тўрт-беш кун ўтди, ўғлимнинг кундалигини варақлаётсам, яна муаллимасининг ёзуви: «Парданнинг пулини қачон берворасиз?» деб ёзибди. Ўғлимни койидим: «Уша кuni пулни берганимдинг?» дедим. «Берувдим шекилли», дейди ўғлим ҳам. Каранг, ёшгина бўлиб ҳалитдан эсини йўқотади. Кимга ишонай, ўғлимгами ё муаллимасигами?

— Ўғлингизку, кичик, уни кечирса бўлар. Лекин кап-катта хотиннинг эси қабқда. Шундай дейимизку, гоҳо ўзимиз ҳам... Мана, мени олинг. «Дафтар олиб келинг», деган қизимга «Дўкон ёпик экан», дейман. «Китоб олиб беринг», деган ўғлимга «Китоб сотадиган жой ремонда экан», дейман. Едимдан чиқиб кетгани учун шунақа баҳона тўқийман-да. Бир кuni розса кизардим денг. «Китоб сотадиган жойнинг ремонти тугабди, аяжон?», деб сўраб қолди ўғлим. «Қанақа ремонт?» деб

юборибман. Шошганимдан ўзим топан баҳонам ўзимнинг ёдимдан кўтарилибди. Хотирам кўрсин.

— Мен-чи, мен бошлиғимиз топириқ берса унутиб қўйиб, нукул танбёх эшитардим. Энди бўлса, ҳар бир топириқни ён дафтаримга сўзма-сўз ёзиб оламан. Сўнг тайинланган ишларни битириш учун зарур қилишларга бирма-бир кўнғироқ қиламан. Кўнғироқ рақамини тёртаётиб, ўша даф-

Эҳ, сиз аёллар, аёллар...

ёхуд хотирани яхшилаш «усули»

тарчамдан кўз узмай тураман денг, тағин кимга кўнғироқ қилаётганимни унутиб қўймай деб...

— Сиз бунки айтасиз, мен ҳар кuni ишга кетаётиб, эшикни қулфлаганимдан сўнг «Ғазни ўчирдимми, йўқми?», деб ўйлаб қоламан. Кейин эшикни очиб ичкарига қираман, газ плитаси томон бирров кўз ташлаб, хотиржам бўлиб сўнг ишга кетаман. Қай бир кuni хамхонман: «Бунақа овора бўлиб юргунча, газни учираётиб «Мана учирдим!», деб овоз чиқариб айтсангиз бўлди, шу эсингизда қолади», деди. Уша кuni шу шартга амал қилдим денг. Лекин эшикни қулфлаганимдан кейин яна ўйлаиб қолдим. «Ғазни ўчирдим, деб айтдимми ё йўқми?!». Шунки эслолмадим.

— Сиз хижолат бўлманг, кўшни. Мана, кимнинг хотираси жойида? Сизникими? Яшанг! Хотирамизни авайлаб, қадрига етинг. Хўш, кимнинг хотираси яхшимас? Меники дейсизми? Унда сизга бошқа бир маслаҳат берай. Яқинда хорижий журналларнинг бирида ёзилибди, хотирани мустаҳкамлаш учун... Ҳах, нимаиди?! Яхшиси мен ўша журнални топиб келай, сиз билан эртага гаплашаман, хўпми? Кечқурун кўнғироқ қилиб эсимга соларсиз. Ахир ўзимнинг ҳам хотирам... Майли, эртагача омон бўлинг.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

Эҳ, сиз аёллар, аёллар...

чет элларда буткул хотирани йўқотиш касали боракан. Кимлиги, қачон туғилгани, ҳатто ўз исмининг эслолмаскан улар. Худо шунақасидан асрасин. Ахир биз аёлларнинг бошимизда минг бир юмуш, хотирамиз ҳам ўзимизга ўхшаб чарчайди. Лекин эркакларнинг хотираси ҳамиша жойида.

— Қўйсангиз-чи, Сизнингча шу эркакларнинг хотираси жойида эканми? Сизникими билмадим, бизнинг хўжайин ҳар гал «дам олиш кuni театрга тушамиз ойиси» дейдилар. Айтган кунларда эсларига солсам, «Э, бугун чойхонапаловга ваъда бериб қўвдим-а», дейдилар. Театр ёдларидан чиққан эмиш! Тунов кuni айтдим: «Неча вақтдан бери «Чимилдик»қа обқиролмадингиз-ку!» дедим. «Чимилдикқа бир марта кирганинг етмайди!» дейдилар. Қарасам, шу ҳазил билан кутулиб кетмоқчилар. «Бу сафар андолмайсиз, барибир театрга обқирасиз!», дедим. «Хўп» деб ишга кетдилар. Орадан бир кун ўтиб, шимларини дазмоллаб, дастурмоллари алмаштирай десам, қўлимга театр билетлари илашиб чиқди. «Ҳой, булар кимгайди?» деб сўрадим. «Аттанги!», деб пешоналарига урдилар. Бу билетларни бизга олган экану, ўша кuni айтиш ёдларидан чиқиб қолибди!

— Бу хотира деганлари бир ўтмаслашса ёмон-да, кўшни. Тунов кuni телевизорда бир олим айтди. Ҳар кuni уч маҳал эзлик грамдан қора кишимиз ейилса, хотира яхшиланаркан.

— Ростданми, уч маҳал эзлик грамдан дедингизми? Тўхтанг, ёзиб олай. Қани менининг румкам? Вой, мен ўлмасам!

— Ҳа, нима бўлди?

— Сумкам идорада қолибди...

ИШОНЧ НАФ КЕНТРАЛИ
О.К.У.Ф. П.Т.У.У.
ОШН БАКТ

Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abdulloq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari), **Jahongir SHAROFBOYEV**
(Mas'ul kotibi), **Ma'mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AIIAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV**

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63

Huquq va xalqaro hayot 256-87-73

Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43

Reklama va e'lonlar 256-03-90

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Nashr ko'rsatkichi:

133; 134

Navbatchi muharriri:

A.Qodirova

Navbatchi:

A. Abdullayev

Musahhih:

N.Mahamov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchilar: **H.Abdullajilov va Y.Mixaylovskiy**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyaat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Tijorat materiallari

Bosishga topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 21.30

Byudjetga Г — 914

10671 nusxada bosildi

2 5 8